

ISSN 2181-5291

PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 4, 2021

www.psixologiyabuxdu.uz





*Ахмедова Заррина Джамилевна,
БухДУ, психология кафедраси ўқитувчиси*



ЎСМИРЛАРДА ЖИНОЯТ МОТИВЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИ ЎРГАНИШ ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТ МУАММОСИ СИФАТИДА

Аннотация: Ушбу мақолада ўсмирлардаги психологик хусусиятлар ҳамда уларда дезадаптациялашиши ва шу асосида жиноят мотивларини шаклланишининг илмий-амалий асослари ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: ўсмирлар, мотивация, дезадаптация, рефлексия, интеграция, мослашувчанлик, ўзини ўзи қабул қилиш, бошқаларни қабул қилиш, эмоционал комфорт, интерналлик, устунликка интилиш.

Аннотация: В статье рассматриваются психологические особенности подростков и их научное и практическое обоснование дезадаптации и формирования на этой основе преступных мотивов.

Ключевые слова: подростки, мотивация, дезадаптация, рефлексия, интеграция, гибкость, самопринятие, принятие других, эмоциональный комфорт, внутренность, стремление к превосходству.

Abstract: This article discusses the psychological characteristics of adolescents and their scientific and practical basis for maladaptation and the formation of criminal motives on this basis.

Key words: adolescents, motivation, maladaptation, reflection, integration, flexibility, self-acceptance, acceptance of others, emotional comfort, internality, striving for superiority.

Мавзунинг долзарблиги: Халқаро микёсидаги илм-фан ва технологияларнинг жадал такомиллашуви ва бунинг натижасида ижтимоий тараққиётнинг ҳам тубдан ўзгариб бораётганлиги сабабли инсонгагина хос бўлган онг ва тафаккур воситасида шахснинг воқелик ва ундаги қонуниятлар ҳақида фикр юритиши, ёшлар онгида тушунчалар, ҳукмлар ва ҳулосалар вужудга келиши, инсониятнинг ҳозирги тараққиёт босқичида ёшларнинг ҳаёт кечириши, турмуш тарзи, ўқиши ва меҳнат фаолиятидаги турли-туман муаммоларга оид тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Болалар бўйича АҚШ Миллий комиссияси тарқатган маълумотларга қараганда, - "Кўп ҳолатларда болалар арзимаган нарсалар учун ва зарурат бўлмаса ҳам оилалардан тортиб олиниб, уларни жиноятчи қилиб тарбияланаётганлиги, Германияда юз бераётган жиноятларнинг тенг ярми вояга етмаганлар томонидан содир этилаётганлиги айтилади. Болаларнинг гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи уюшган жиноий гуруҳлар сафига кириб қолаётгани, ёки одам органлари билан савдо қилаётганлар қўлига тушиб қолаётгани ҳам аянчлидир. Бир қатор мамлакатларда балоғатга етмаган болалар жангарилар сафида қўлига қурол олиб жанг қилаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди". Ўсмирларда жиноят мотивларининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни психологик жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда зарурий психопрофилактик чора-тадбирлар белгилаш механизмларини аниқлашга ҳамда ҳулқ-атвор масалаларини тадқиқ этишга мазкур тадқиқот назарий асос сифатида хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда ўзига хос "тарбияси қийин" ўсмирлар категориясини белгилашда тамоман ўзгача психологик-педагогик ёндашувларга асосланишнинг муқаррарлиги яққол сезилмоқда. Айни пайтда, педагоглар томонидан мазкур тоифа ўқувчиларининг индивидуал хусусиятларини адекват тушуниш ва улар ҳулқини коррекция қилишга бўлган заруратнинг тобора ортиб бораётганлиги алоҳида қайд этиш мумкин. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Баркамол авлод йили" давлат дастури тўғрисидаги қароридан ҳам "Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини ХХI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш..." кераклиги алоҳида қайд этилади.



Таниқли психологлар М. Н. Прохоренко ва Л. Г. Савельева, Н.В. Самоукиналар томонидан тақлиф этилган касбий фаолиятни тизимли таҳлил қилиш методи фаолиятли ёндашув нуқтаи назаридан “алоҳида”, “ўзига хос” фаолият ёки ҳаракат деб қаралаётган, мақсадлари мазкур ишнинг хусусиятларини англаш даражаси билан шартланган психокоррекцион фаолият субъекти ишининг конкрет вазифаларини босқичма-босқич ўрганишни амалга ошириш имконини беради. Бу педагог фаолияти тузилмасини унинг меҳнат жараёни ҳамда бунда махсус касбий жиҳатдан муҳим сифатлар томонидан таъминланадиган психик ва психофизиологик жараёнларда амалга оширадиган фаолият, психологик ҳаракатлари мақсадларини ифодалаш учун асос бўлган белгиларни ҳисобга олган ҳолда тузиш имконини беради. Бунда мазкур фаолиятнинг асосий моҳияти ва мураккаблиги тўпланган ва кўпинча унга меҳнатнинг сўнгги натижаси боғлиқ бўлган касбий меҳнат босқичларини таҳлил қилиш зарурлиги алоҳида эътироф этилади. Бундай босқични алоҳида эътироф этиш ёрдамида, яъни меҳнат фаолияти жараёнини морфологик куришни (масалан технологик жараён алгоритми), уни амалга ошириш воситалари ва меҳнат вазифаларини бажарилиш аниқлиги ва тўғрилигини ҳисобга олган ҳолда таққослаш асосида психологик ўрганишни талаб этадиган объект ўрнатилиши жараёнида амалга оширилади. Таҳлил қиланётган адабиётлар ичида педагог фаолияти профессиограммасининг намунаси сифатида А.К.Маркова томонидан ишлаб чиқилган педагогнинг касбий компетентлиги модели алоҳида аҳамият касб этади.

А.К.Маркова касбий компетентликка асос қилиб педагог фаолиятининг айнан психологик тамойилларини ўзлаштиришга бўлган малакаларини қабул қилишни тақлиф этади. Шундан келиб чиқиб А.К. Маркова томонидан илгари сурилган касбий фаолият модели ўз ичига қуйидагиларни олади:

- меҳнат жараёни ва унинг психологик натижаси;
- самарадорлиги ва самарасизлиги, турли шароитларда ўзига хослиги;

Касбий компетентлик деганда педагогнинг шундай касбий фаолияти назарда тутилдики, бунда етарлича юқори даражада педагогик фаолият, педагогик муомала амалга оширилади. Бунда ўқувчиларнинг таълим олиши ва тарбияланиши борасида яхши натижаларга эришишда акс этувчи педагог шахси юзага чиқади. Айни пайтда педагогнинг касбий компетентлиги унинг касбий билим ва малакалари, бошқа бир томондан касбий позицияси ва психологик сифатлари мутаносиблиги билан баҳоланиши мумкин. Зеро, таниқли психолог олим А.К.Маркова томонидан тўғри таъкидланганидек, педагогик касбида процессуал кўрсаткичларнинг, яъни у ёки бу натижаларга эришишга олиб келувчи таъсир воситалари ва муҳитнинг роли катта. Педагог профессионализи унинг касбий фаолияти шароитида ўзини турлича намоён қилади. Педагог учун касбий фаолиятнинг турли шароитларида бир томондан касб талабларига мос келиш, бошқа бир томондан эса – ўзини касбий ривожлантириш мантқиқига риоя қилиш, ҳар қандай ҳолатларда ҳам ички психологик турғунликни сақлаш муҳимдир.

А.К. Маркова томонидан тақлиф этилган профессиограмма педагог касбий фаолияти тузилмасини тўлиқ акс эттиради. Унда асосан таълим объекти ва субъекти ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ифодаловчи педагогик-психологик имкониятлар кўлами очиқ берилади. Мазкур профессиограммага мувофиқ, педагогнинг касбий компетентлигига динамик ёндашув педагогик маҳоратнинг ўсиш динамикасини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур ёндашувнинг бошқа бир йўналиши сифатида педагог касбий фаолиятини психологик таҳлил қилишга акмеологик ёндашувларнинг мавжудлигини кўриш мумкин. Таҳлил бирлиги сифатида ушбу йўналишда мутахассиснинг касбий компетентлиги қабул қилинган.

Акмеографик ёндашув муаллифи Н.В. Самоукинанинг фикрича, акмео-граммани педагогнинг касбий компетентлигини тўлиқ тизимли ифодалаш усули сифатида қўллаш фақатгина унинг исталган компонентларини ажратиш имконини бериб қолмай, балки улар ичидан сермахсул фаолият учун тўсқинлик қилаётган айрим жиҳатларни ҳам аниқлаш имконини беради.

Шахснинг ривожланувчи, ўзгарувчи микромуҳит билан мутаносиб-лашуви (шахс гомеостази) ўзига баҳо беришнинг даврий ўзгариши (қандай эдим, қандайман, қандай бўлишни хоҳлайман), шунингдек атрофдаги бошқа одамлар билан солиштиришда ўзини ўзи баҳолашни тақозо этади, бу омилларга ижтимоий муҳитга ички йўналганлик адекватлиги боғлиқдир. Ўсмирнинг ўзини ўзи аниқлаши бошқа одамлар ва нарсаларга нисбатан ижтимоий



позициясининг шаклланганлиги, ўзини жамиятнинг муस्ताқил аъзоси сифатида субъектив англаш билан боғлиқ бўлиб, рефлексия ривожланишининг маълум даражаси билан тақозо этилади. Шахслилик рефлексияси – бу ўсмир томонидан ўзини ўзи, ўз ички дунёсини билишнинг имкониятли вариантларидан биридир. У бошқа одамлар нима ҳақида ўйлашларини тасаввур қилишга интилиб, ўз хулқ-атвори, ўзининг шахсий сифатларини таҳлил қилади, яъни бошқа одамлар билан ўзаро таъсирда қанақа эканлигини тушунишга ҳаракат қилади. Бундай таҳлил натижасида ўсмир ўз “мен”ини бир мунча билишга эришади. Ўсмирлик даврида ўзини ўзи англашнинг алоҳида кўрсаткичлари таниқли психолог Л.С. Виготский томонидан ажратиб кўрсатилган – ўз образини интеграциялаш, ташқаридан уни ичкарига кўчириш ва ҳоказо. Бу ёш даврида ўзига “ташқари”дан “объектив” қараш жараёни “ичкари”дан субъектив, қараш динамик позиция билан ўрин алмашади. Умуман, ўзини ўзи бошқаришда объектнинг ўзи ҳақидаги адекват тасаввурлари, ўзини ўзи англаш имкониятлари иштирок этиш лозим бўлади. Ўзини ўзи англашнинг ривожланиши, ҳар қандай мураккаб психик янги тузилма сингари, бир бирининг ўрнини босувчи қатор босқичлардан ўтади. Шу нуқтаи назардан, ўсмирлик давридаги ўзини ўзи англашнинг янги даражаси шаклланишининг бошланишини интегратив сифатлар ривожланиши ва чуқурлашиши сифатида тавсифлаш мумкин. Бунда шахслилик рефлексияси муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ўсмирнинг ўзини ўзи, ўз ички дунёсини билишнинг асосий механизм-ларидан бири шахслилик рефлексияси бўлиб, у шахсий ўзини билиш фаолияти, алоҳида тадқиқот акти сифатида тушунилади. Рефлексиянинг чуқурлиги ва жадаллиги кўпгина ижтимоий (ижтимоий келиб чиқиш ва муҳит, маълумот даражаси), индивидуал-типологик (интраверсия-экстраверсия) ва биографик (оилавий тарбия шароитлари, тенгдошлар билан муносабатлар) омилларга боғлиқ, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳали етар-лича ўрганилмаган. Шахслилик рефлексиясининг ривожланиши илк ўспи-ринликдаги “Мен” концепцияси хусусиятларида акс этади. М.Н.Прохоренко-нинг назарий тадқиқотларида ўзини ўзи билиш “паст даражадаги “Мен ва бошқа одам”, “олий даражадаги “мен ва мен” каби тушунчалар ифодаланади.

Маълумки, дезадаптациялашган ўсмирлар билан ишлаш жараёни ҳар бир ўсмирнинг таълим самарадорлигига у ёки бу даражада таъсир этувчи шахслилик хусусиятларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш билан бевосита боғлиқдир. Зеро, таълим муассасаларидаги таълим жараёнининг асосий қатнашчилари ўқувчилар ва ўқитувчилардир.

Бугунги кунда таълим муассасалари – ўзгариб бораётган узлуксиз таълим тизимининг энг динамик жабҳаси ҳисобланади. Мазмуний ва ташкилий маънода у ўқувчининг индивидуал таълим йўналишини шакллантириш имконияти ҳисобланиб у ўз ичига эҳтимолли-зарурий ва шу билан бирга шартли-зарурий билим ва малакаларни қамраб олади.

Ижтимоий-психологик мослашувчанлик методикаси асосида кўриб чиқиладиган параметрлар ҳам ўсмирдаги дезадаптация даражасини, ҳамда унинг “мен тимсоли” хусусиятларини баҳолашга имкон беради. Бу кўрсаткичларнинг мос келиш даражасини аниқлаш учун корреляцион таҳлил ўтказилди (1- жадвал).

Жадвал № 1.

Ижтимоий психологик мослашувчанлик методикаси бўйича олинган натижаларнинг корреляцион алоқадорлик кўрсаткичлари

Мезонлар	Мослашувчанлик	Ўзини ўзи қабул қилиш	Бошқаларни қабул қилиш	Эмоционал комфорт	Интерналлик	Устунликка интилиш
Мослашувчанлик	1	0,688*	0,509*	0,648**	0,640**	0,526**
Ўзини ўзи қабул қилиш	0,688**	1	0,198	0,738**	0,617*	0,558**
Бошқаларни қабул қилиш	0,509*	0,198	1	0,608*	0,037	-0,053
Эмоционал комфорт	0,648**	0,618*	0,608**	1	0,629	-0,029
Интерналлик	0,640*	0,513	0,037	0,629	1	0,253
Устунликка интилиш	0,526*	0,558*	0,053	0,029	0,253	1



$p < 0,005$; * $p < 0,001$ **

Демак, муайян умумий таҳлил натижаларига кўра тадқиқот объекти сифатида эмпирик жиҳатдан ўрганилган ўсмирларда мослашувчанлик мезонининг “ўзини ўзи қабул қилиш” (0,688), “эмоционал комфортлик” (0,648) “интерналлик” мезонлари (0,640) ўртасида юқори корреляцион алоқадорлик мавжудлиги аниқланди. Бирок, “бошқаларни қабул қилиш” мезонининг эса “устунликка интилиш” (0,053), “интерналлик” (0,037), “ўзини-ўзи қабул қилиш” (0,198) мезонлари ўртасида корреляцион алоқадорликнинг бир мунча заифроқ эканлиги маълум бўлди.

Юқори корреляцион боғланиш, шунингдек, “ўзини қабул қилиш” мезонига нисбатан “эмоционал комфортлик” (0,738), “интерналлик” (0,617) ва устунликка интилиш (0,558) каби мезонлар ўртасида ҳам кузатилди. Айти пайтда энг заиф корреляцион кўрсаткичлар миқдори “Бошқаларни қабул қилиш ва устунликка интилиш” (-0,053), “эмоционал комфорт ва устунликка интилиш” мезонлари ўртасида намоён этилди. Бунинг асосий сабаби дезадаптациялашган ўсмирларда “бошқаларни қабул қилиш” кўрсаткичларининг ортиши улардаги эмоционаллик ва устунликка интилишнинг камайиши ҳисобига рўй бериши билан боғлиқлиги тасдиқланди.

Жадвал № 2.

Ижтимоий психологик мослашувчанлик методикаси бўйича олинган натижаларнинг корреляцион алоқадорлик кўрсаткичлари. (Қизлар)

Мезонлар	Мослашувчанлик	Ўзини ўзи қабул қилиш	Бошқаларни қабул қилиш	Эмоционал комфорт	Интерналлик	Устунликка интилиш
Мослашувчанлик	1	0,668**	0,047	0,599*	0,657**	0,198
Ўзини ўзи қабул қилиш	0,668**	1	0,225	0,617**	0,314	0,113
Бошқаларни қабул қилиш	-0,047	0,225	1	0,140	0,636**	-0,123
Эмоционал комфорт	0,599*	0,559*	0,140	1	-0,097	0,627**
Интерналлик	0,657**	0,314	0,636**	0,097	1	0,124
Устунликка интилиш	0,198	0,113	0,123	0,127**	0,211	1

$p < 0,005$; * $p < 0,001$ **

Тадқиқот давомида дезадаптациялашган ўсмирларнинг ижтимоий-психологик мослашувига таъсир этувчи омилларни ўрганиш билан бирга умумий кўрсаткичлар ўртасидаги гендер хусусиятларини ҳам ўрганишга муваффақ бўлинди. Жумладан, гендер тафовутлар таъсирини ўрганиш учун ижтимоий-психологик мослашувчанлик сўровномаси асосида олинган натижаларнинг корреляцион алоқадорлик кўрсаткичлари ўғил ва қиз болалар гуруҳлари кесимида ҳам таҳлил қилинди (2.2- ва 2.3- жадвал).

Қизларда корреляцион алоқаларнинг юқори жадаллиги қуйидагиларда кузатилди:

- “мослашув” билан “эмоционал комфортлик” (0,599), “интерналлик” (0,657);
- “ўзини ўзи қабул қилиш” билан “эмоционал комфортлик” (0,617),
- “мослашувчанлик” (0,668) билан “ўзини ўзи қабул қилиш” (0,668).

Шунингдек, “устунликка интилиш” мезони – ижтимоий психологик мослашувчанлик сўровномасининг бошқа кўрсаткичлари билан аҳамиятли алоқага эга бўлмади ва қизлар адаптациясига таъсир кўрсатмади.

Таҳлил натижаларини солиштириш ўсмир йигитларда “мослашувчанлик”нинг бошқа мезонлари билан юқори корреляцион алоқадорлигини кўрсатди (“ўзини ўзи қабул қилиш” (0,665), “эмоционал комфортлилик” (0,599), “интерналлик” (0,657). Юқори корреляцион алоқадорлик шунингдек, “интерналлик” ва “устунликка интилиш” (0,620) мезонлари ўртасида ҳам аниқланди ва ҳоказо (2.3-жадвал).



3	Баратов Шариф Рамазонович Психологик хизмат ижтимоий – психологик муаммо сифатида
9	Хусейнова Абира Амановна Ўзбекистонда оилаларнинг мустақамлигига қаратилган ижтимоий-демографик тадқиқотлар ва оиланинг ижтимоий функциялари
15	Усманова Манзура Наимовна Эмпирическое исследование темперамента личности в профессиональной деятельности педагога
22	Собирова Дилафруз Абдурузиқовна Тиббиёт ходимларида ижтимоий компетенция омилларини шаклланишнинг ижтимоий-психологик асослари
28	Назаров Акмал Мардонович, Нусратова Мехринисо Бахшиллоевна Спортчи талабаларда психологик ҳимоя механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг ўзига хос усуллари
32	Олимов Лазиз Ярашович, Махмудова Зулфия Меҳмоноевна Стрессли вазиятларда психологик ҳимоя механизмлари ва копинг хулқ-атвор намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари
40	Жумаев Улугбек Сатторович Параметры межкультурных различий: теории Г.Хофстеде
45	Останов Шухрат Шарифович Талабаларда креативлик хусусиятларини намоён бўлишининг ўзига хос психологик жиҳатлари
49	Рустамов Шавкат Шухратович Амалиётчи психологларнинг математик касбий компетентлигини касбий фаолият доирасида тадқиқ этилиши
53	Nazarova Manzura Mustafu qizi Globalashuv jarayonida milliy til omili
58	Ахмедова Заррина Джамиловна Ўсмирларда жиноят мотивлари шаклланишини ўрганиш психологик тадқиқот муаммоси сифатида
62	Аъзамова Махлиё Абдурахимовна Махаллада психологик хизмат кўрсатишнинг эмпирик асослари
67	Остонов Жасур Шопиржонович Ўсмирларда психологик ҳимоя ва копинг хулқ-атвор омиллари намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари
76	Собиров Абдулазиз Абдурузиқович Психологические защитные факторы проявляющийся у спортсменов
80	Тилавов Мухтор Хасан ўгли, Болтаев Суннат Бахтиёр ўгли Тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш дастури ва тадқиқот натижалари
85	Рўзиев Умар Музаффарович



	Ўспиринларда ижтимоий фобия намоён этилишининг психологик белгилари
89	Ҳакимова Фазолат Хошимовна Мослаша олмаслик хусусиятларининг мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларда турли психологик кўринишлари
92	Ғайбуллаев Алишер Асадович Спортчиларда хиссий-иродавий сифатлар шаклланишининг психологик механизмлари
96	Турахонов Абдукарим Эшқузиёвич Касбий масъулият ва шахслилик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик жиҳатлари
104	Кулиев Ёркин Каримович Психологические особенности саморазвития преподавателей учебных заведений
108	Ermatova Gulnoz Pirimovna Mutafakkirlarimiz asarlarida xalq og`zaki ijodiyoti asosida bola sotsial intellektini shakllantirish masalalarining yoritilishi
114	Қабуллов Қосимбой Пиржонович, Касб танлаш мотивациясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари
118	Ахмедова Максуда Лочиновна Ўқувчиларда ўзбек мусиқа фольклор ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришнинг психологик имкониятлари
	ҚУТЛОВ
121	Баротова Дилафруз Шарифовна